

## ИСЛОМДА КОМИЛЛИК ҒОЯЛАРИНИНГ АНТРОПОЦЕНТРИК ВА ТЕОЦЕНТРИК ЖИҲАТЛАРИ

Шаҳобжон Кубатов

Мирзо Улуғбек номидаги

Ўзбекистон Миллий университети докторанти

+998 90 971 04 00

shahobjon.k1995@gmail.com

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7248409>

**Аннотация:** Мақолада ислом фалсафасида инсон антропологияси билан боғлиқ жараёнлар Ҳадислар асосида таҳлил қилиниб, уларнинг ижтимоий-фалсафий ва онтологик аҳамияти очиқ берилди. Шунингдек, мақолада Қуръони Каримда комиллик ҳақида келтирилган теофалсафий ғоялар Ҳадислар ҳамда соҳа олимларининг қарашлари билан уйғун ҳолда таҳлил этилган.

**Калит сўзлар:** теофалсафа, антропология, комиллик, идеаллик, жамиятдаги муносабатлар, ғоя, маданият.

Ислом дини ва фалсафа (теофалсафа)си инсон («мен», «диндор», «диний шахс»)нинг маънавий-ахлоқий фазилатларига, уларни етук, юксак қилиш масалаларига катта эътибор беради. Муҳаммад (с.а.в.) пайғамбарнинг «Дин аввало ахлоқдир» деган ҳадиси исломдаги теофалсафий ғояларнинг мағзини, асл моҳиятини ташкил этади.

Ислом теофалсафасидаги антропологик ғояларни ва уларнинг ижтимоий-фалсафий моҳиятини чуқурроқ билиш учун ҳадисларга мурожаат этиш лозим. Муҳаммад (с.а.в.) пайғамбарнинг ҳаёти, деганлари ва саъй-ҳаракатларини инъикос этувчи ҳадислар Қурони Каримдан кейинги иккинчи манба, асосдир.

«Ҳадис» арабчадан олинган сўз бўлиб, «сўз», «калом», «пайғамбар сўзи», «ҳикоя» деган маъноларни билдиради. Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф ёзганидек, ҳадислар «Муҳаммад (с.а.в.) пайғамбарнинг айтган гап сўзлари ифода этади»<sup>1</sup>. Муҳаммад (с.а.в.) пайғамбар умматларига қарата деган: «Сизларга икки нарсани қолдирдим. Агар уларни маҳкам тутсангиз, ҳеч адашмайсиз. Булар Аллоҳнинг Китоби ва менинг Суннатимдир»<sup>2</sup>.

Ҳадисшунослик илмининг шаклланишида буюк ватандошларимиз Имом Бухорий, Ат-Термизий, кейинчалик Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуфнинг хизматлари катта. Ҳадисларнинг ижтимоий- педагогик моҳияти, Марказий Осиёда тарқалиши, ислом оламида тутган ўрни каби масалалари У.Алимов, А.Мансур, У.Уватов, Ш.Бобохонов, Фозил қори Ёсин ўғли, Раҳматилла қори Обидов каби олимлар асарларида ўрганилган. Фалсафа

<sup>1</sup> Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. Ҳадис ва ҳаёт. 1 жуз. – Тошкент: Шарқ, 2004. - 157 б.

<sup>2</sup> Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. Ҳадис ва ҳаёт. 1 жуз. – Тошкент: Шарқ, 2004. - 14 б.

фанлари доктори Н.Мусаева эса Имом Бухорийнинг «Ал Жомеъ ас-Саҳиҳ» асарининг ижтимоий-антропологик моҳиятини махсус тадқиқ этган. Унинг ёзишича, «Ҳадисларда икки идеал образ мавжуд, улар Аллоҳ ва унинг Расули Муҳаммадир (с.а.в.). Аслида эса уларни бирлаштириш мумкин. Тўғри, Қуръони Каримда ҳам, ҳадисларда ҳам «мен Аллоҳман, Худоман» демайди, ваҳоланки, у шундай дейишга ҳақли ҳам эди. Бу теодиция эмас, балки теоцентризм ва антропоцентризм уйғунлигининг ифодасидир. Чунки ваҳий ва ҳадис турли образлар, икки идеалларнинг эмас, балки Муҳаммад (с.а.в.)нинг сўзлари эканини ҳеч ким инкор қилмайди. Ҳатто, Аллоҳ сўзлари Муҳаммад (с.а.в.) орқали одамларга тушунарли қилиб етказилган бўлса-да, уларда Расулulloҳнинг «эркин ифодаси» қатнашгани исбот талаб қилмас факт, аксиомадир. Аммо икки идеал образнинг борлиги исломнинг монотеистик дин эканини инкор қилмайди, буни муқаддас битикларда Муҳаммад (с.а.в.) нинг Аллоҳнинг Расули, ердаги элчиси, деб аталиши ҳам тасдиқлайди. Демак, антропологик ёндашувимиздан келиб чиқиб, биз идеал инсон образи Муҳаммад пайғамбарга мурожаат этамиз»<sup>3</sup>.

Шу тариқа олима Муҳаммад (с.а.в.) пайғамбарни идеал шахс, комил инсон, «етук мен» тарзида тақдим этади. Буни тадқиқотчилар Қуръони Карим ва бошқа исломшуносларнинг фикрлари билан тасдиқлайди. Қуръони Каримнинг «Азҳоб сурасида» Муҳаммад (с.а.в.) пайғамбар инсонларга иймон эътиқоди ва хулқ аторида идеал бўлғулик «гўзал намуна»га эга элчи, «йўл кўрсатувчи нурли чироқ» қилиб юборилгани айтилади<sup>4</sup>. «Аллоҳ таоло Муҳаммаднинг (с.а.в.) муборак сийратларига шу қадар етук ва баркамол гўзал хулқни ато қилдики, бу ахлоқи ҳамийдалари сўнмайдиган ва тоабат порлаб турадиган нур янглиғ азиз сиймодир. Бу мунаввар чироқ эса ибрат тариқасида, ҳар бир замонларда не не золим қалбларни инсофга келтирмоққа, ширк ва куфр ботқоғига ботганларга ҳидоят улашмоққа, гуноҳкор ва исёнкорларни тавбага келтирмоққа, алданганларга тўғри йўл кўрсатмоққа сабаб бўлди. Пайғамбаримизнинг (с.а.в.) қалбларга ҳузур бахшида этувчи буюк хулқлари, ҳатто, Ғарб олимларининг ҳам қалбларини жунбушга келтирган»<sup>5</sup>. Шубҳа йўқки, Муҳаммад (с.а.в.) пайғамбарнинг юксак ахлоқий фазилатлари, бошқаларга маънавий идеал бўлғулик ҳаёт тарзи, ҳадис ва суннатлари ундан ибрат, намуна олишга ишончли манба бўла олади. «Шу билан бирга, деб ёзади Н.Мусаева, Муҳаммад (с.а.в.) пайғамбардаги юксак маънавий-ахлоқий фазилатлар табиатнинг инъоми эмаслигини, то ваҳий келгунча, у ўз қавмидаги кишилар каби яшаганини, савдо-сотик билан шуғуллангани, барча оддий кишилар дуч келган турмуш машаққатлари, қийинчиликлари унинг ҳам кучини, вақтини

<sup>3</sup> Мусаева Н. Имом Бухорийнинг «Ал-жомеъ ас-саҳиҳ» асари ва унинг ижтимоий антропологик моҳияти. – Тошкент: INNOVATSIYA ZIYO, 2019. - 111 б.

<sup>4</sup> Мусаева Н. Имом Бухорийнинг «Ал-жомеъ ас-саҳиҳ» асари ва унинг ижтимоий антропологик моҳияти. – Тошкент: INNOVATSIYA ZIYO, 2019. - 117 б.

<sup>5</sup> Алимов У. Одобининг кўнгли обод. – Тошкент: Мовароуннаҳр, 2013. - 7-8 б.

олганини эсан чиқариш мумкин эмас»<sup>6</sup>. Буюк ҳадисшунос Ат-Термизийнинг ёзишича, Муҳаммад (с.а.в.) пайғамбар «ҳамиша чеҳралари кулиб турган хушмижоз бир зот эрдилар. На қаттиқ сўзлик, на тодиллик, на ҳаёсиз, на айблагувчи, на манман ва на адоватлик бир зот эрдилар. Номуносиб сўз ва феъл бўлиб қолса, андин бепарво бўлур эрдилар. Лекин ўзлари муваффақат этмас эрдилар. Уч нарсадан ўзларини алоҳида қилиб олган эрдилар. Биринчиси, ношаърий жанжалдан. Иккинчиси, ўзларини улуғлашдан ёки сўзни кўп қилишдан. Учунчиси, бекор сўз, бекор ишдан. Ва уч нарсадан хулқларини ҳам алоҳида қилиб қўйган эрдилар. Биринчиси, ҳеч кимнинг юзига ёмонламас эрдилар. Иккинчиси, ҳеч кимнинг орқасидан ёмонламас эрдилар. Учунчиси, ҳеч кимнинг айбини топмак учун тажассус этмас эрдилар. Ва қачон сўз қилсалар, савобни умид этган нарса учун сўз қилур эрдилар. Ва қачон сўз гавҳарларини мажлисда сочсалар, хизматларида ҳозир зотлар ҳаммалари бошида қуш ўлтирган одамдек обод ва эҳтиёт ила ўлтирур эрдилар. Қачон Жаноб сўздан тўхтасалар, кейин алар сўз қилур эрдилар»<sup>7</sup>. Пайғамбарнинг ушбу юксак маънавий-ахлоқий фазилятлари ҳадисларда ўз ифодасини топган. Ҳадисларда антропоцентрик ва теоцентрик ғояларнинг уйғун келиши ислом догматикаси таъсиридан дидир. Ислом ҳеч қачон ваҳийнинг Худо томонидан юборилганини ва уни Муҳаммад (с.а.в.) тарғиб этганини рад қилган эмас. Исломда худога ва унинг Расулига ишониш догматика тарзида уқтирилади. Бошқача бўлиши мумкин эмас эди, акс ҳолда исломнинг якка худоликни тарғиб этиши ғайримантиқий ҳолга айланарди. «Ушбу икки йўналишни эклектик ҳодисаларнинг синкретизми деб эмас, балки ўзаро имманент боғлиқ воқеалар сифатида қараш мақсадга мувофиқдир. Ана шунда ҳадисларнинг ҳам, ислом динининг ҳам ижтимоий моҳияти тўлароқ аён бўлади»<sup>8</sup>. Қуръони Карим ва ҳадислардаги антропоцентрик ва теоцентрик ғояларнинг уйғунлиги аввало исломнинг беш фарзида ўз ифодасини топади. Уларга:

- 1) Калимаи шаҳодат(айтмоқ);
- 2) Намоз ўқимоқ;
- 3) Закот бермоқ;
- 4) Ҳаж қилмоқ;

5) Рамазон рўзасини тутмоқ<sup>9</sup> киради. Буларни бажариш ҳар бир мусулмон учун ҳам қарз, ҳам фарз ҳисобланади. Бу эса ҳадислардаги инсон ва унинг Худо олдидаги бурчлари ана шу фарзлар синтези орқали қаралиши зарурлигини билдиради.

Калимаи шаодат «гувоҳлик келтирмоқ» маъносини беради. Мусулмон нимани бошламасин ва нимага интилмасин, аввало, Аллоҳга ва унинг

<sup>6</sup> Мусаева Н. Имом Бухорийнинг «Ал жомеъ ас-саҳиҳ» асари ва унинг ижтимоий антропологик моҳияти. – Тошкент: INNOVATSIYA ZIYO, 2019. - 113 б.

<sup>7</sup> Имом ат Термизий. Шамоили Муҳаммадийя. – Тошкент: SHARQ, 2015. - 83 б.

<sup>8</sup> Алимов У. Одобнинг қўнгли обод. – Тошкент: Мовароуннаҳр, 2013. - 40 б.

<sup>9</sup> Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил ал Бухорий. Ал-Жомеъ ас-саҳиҳ. 1 жилд. – Тошкент: Қомуслар бош таҳририяти, 1991. - 13 б.

Расулига ишониши, уларни қўллаб-қувватлашни қайд этиши керак. Ҳадисларда келтирилишича, мусулмон шахсидаги энг афзал амал «Аллоҳ ва унинг Расулига ишонмоқдир»<sup>10</sup>. Намоз ўқиш эса кишига худонинг яккалигини ва борлигини англатиб туради, уни ислом мистицизми билан шуғулланишга, фикр-у зикрини яратганга йўналтириб туришга ундайди. Закот ҳар бир мусулмоннинг бурчи, керагидан ортиқча нарсаларга меҳр қўймаслик, топган нарсаларини барча мусулмонлар билан баҳам қўришга ундовчи фарздир. Ҳажга бориш эътиқод барқарорлиги, Муҳаммад (с.а.в.) пайғамбар яшаган ва кўмилган жойга зиёрат қилиш шартидир. Мазкур фарзлар тўғрисида кўплаб асарлар ёзилган, теофалсафий қарашлар илгари сурилган. Бизни ҳадислардаги комил инсон ва антропологик масалалар қизиқтиради. Ҳадислардаги антропологик масалаларга диққатини қаратган Н.Мусаева уларни:

- 1) инсон ва унинг ижтимоий борлиқдаги ўрни;
- 2) инсон ва жамият муносабатлари;
- 3) инсон ҳуқуқлари;
- 4) тижорат ва меҳнат ҳуқуқи;
- 5) оила ҳуқуқи;
- 6) ижтимоий-антропологик йўналишларда ўрганишни тавсия этади<sup>11</sup>.

Бизнинг фикримизча ҳам, мавзумизни ана шу йўналишларда очиб бериш мумкин.

Инсоннинг ижтимоий борлиқдаги ўрни масаласини Хожа Юсуф Ҳамадоний бундан X аср аввал теофалсафий нуқтаи назардан қуйидагича саволларда ифодалаган эди: «Махлуқотни бошқариш ва мусаххар қилиш (бўйсундириш) либосини менга нима учун кийдирдилар деб ўйламайдими? Илм, заковат ва идрок тожини бутун яратиқлар орасида нима учун менинг бошимга қўйдилар? Ибодат ва бандалик ёзувини нега менинг пешонамга ёздилар? Кўкларда ва ерда менинг номимни нима учун дўстлик ва муҳаббат билан машхур қилдилар? Бир юз йигирма тўрт мингдан ортиқ пайғамбарлик нуқтаси, саййидлик унсури ва саодат марказини барча махлуқот орасидан нима учун фақатгина мени Ҳаққа даъват қилиш учун юбордилар? Муқаддас китобларда ва саҳифаларда нечун мен ҳақимда сўз юритилган? Бу китобларда баъзан шукр, баъзан мақтов, гоҳида итоб бор, буларнинг барчаси нима учун? Нега кўп жойларда дунё қораланган? Нега дунёни маҳбусхона ва зиндон атадилар? Нега унинг алдов ва фитнасидан қочишга буюрдилар? Улар пайғамбарлар ва валийлар нега дунёга илтифот этмадилар?...»<sup>12</sup>. Шундан бери инсоннинг ижтимоий борлиқдаги ўрни масаласи фалсафадан тушмайди, ҳар бир тадқиқотчи унга нимадир қўшади. Лекин муаммога ҳанузгача тўлиқ жавоб йўқ. Ҳар бир давр ва ҳар бир

<sup>10</sup> Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил ал Бухорий. Ал-Жомеъ ас-саҳиҳ. 1 жилд. – Тошкент: Қомуслар бош таҳририяти, 1991. - 18 б.

<sup>11</sup> Мусаева Н. Имом Бухорийнинг «Ал-жомеъ ас-саҳиҳ» асари ва унинг ижтимоий антропологик моҳияти. – Тошкент: INNOVATIYA ZIYO, 2019. - 112 б.

<sup>12</sup> Хожа Юсуф Ҳамадоний. Рутбат ул-ҳаёт (Ҳаёт мезони). Рисолалар. – Тошкент: Ўзбекистон НМИУ, 2019. - 19 б.

тадқиқотчи унга ўзича жавоб топади. Теофалсафий нуқтаи назардан инсоннинг ижтимоий борлиқдаги алоқалари ва ўрни диний эътиқоддир. Юсуф Хамадоний ёзади: «Ҳазрати пайғамбар (с.а.в) бу ҳаёт манзилларининг аввалгиси дини Ислом эканлигини таъкидладилар. Чунки инсон дунё лаззатлари билан фароғат топишдан йироқлашмагунча, диний вазифаларни ҳаққи билан адо этолмайди. Бир қалбда икки зид нарса ўрнаша олмайди, келиша олмайди. Кўнгил дунё завқларига асир экан, ислом шарафи ва шонидан узоқлашиб, тубанлашиб бораверади. Натижада исломий тасалли мақоми хароб бўлиб, дунёвий завқ-у сафога тегишли таскин макони маъмур ва обод бўлади. Зеро, Икки зид нарса бир жойга жам бўлмайди»<sup>13</sup>. Шу тариқа Юсуф Хамадоний исломий эътиқод, Пайғамбар даъватлари инсонни ўткинчи дунёга ортиқча меҳр қўймасликка, аммо баданни «таомлаштириш» зарурат эканини таъкидлайди. «Шариат ҳукмларини ва дин аҳкомларини бажарувчи баданни таомлаштириш Ҳаққа итоат ва яқинлик қилишдир»<sup>14</sup>. Демак, Ислом ва Пайғамбар (с.а.в.) инсонни ижтимоий борлиққа қарши қўймайди, диний вазифаларини ва ахлоқий бурчларини бажариш учун инсон ейиши, ичиши, кийиниши, оила қуриши, бошқалар билан алоқада яшаши шарт. «Баданнинг шариат юкини кўтариши, диний вазифаларни адо этишга доим тайёр туриши, Ислом дини кўрсатмаларига бўйсунуши ва ниҳоят инсоннинг нима еб ичаётгани-ю қандай кийинаётганига эътибор қилиши Ҳақ таолога итоат ҳамда хайрли ишдир. Ҳақ зикри билан ҳузур ҳаловатга эришиб, саодатли бўлган кишининг етти қават осмон ва ерга ҳеч қандай душманлиги, қаршилиги ва эътирози қолмайди...»<sup>15</sup>.

Инсон ва жамият муносабатлари «мен», «у» ва «улар» муносабатларидир. Баъзан эса «у» ва «улар»нинг ҳам ўз «мени» бор. Буни В.Алимасов қуйидагича, экзистенциал тарзда, ифода этади: «Мен» шахсга, «Ман» турга, «Дунё» Мен ва Ман яшаётган Қуёш системасига тааллуқли тушунчалардир. Ушбу системанинг маркази Қуёш экани барчага маълум, аммо Мен ҳам марказда бўлишга даъвогар. Бу фикрини у антропоцентрик асослайди. Шу тариқа у Манни ва Ман орқали ўзини Дунё марказига қўйишга интилади. Меннинг ушбу ёндашувини фақат субъектив воқелик сифатида оқлаш мумкин»<sup>16</sup>. Мазкур «мен»ларнинг трансцендент, худо билан боғлиқ теофалсафий жиҳатларини олим қуйидагиларда кўради: «Худо Манни яратган, Ман «Мен»ларни, «Мен»(лар) эса тарихни яратмоқда. Демак, Худо, Ман ва Мен(лар) Борлиқни яратишда мунтабиқдирлар»<sup>17</sup>. Ушбу фикрлардан маълум бўладики, Мен бошқа, Ман бошқа, Дунё бошқа

<sup>13</sup> Хожа Юсуф Хамадоний. Рутбат ул-ҳаёт (Ҳаёт мезони). Рисолалар. – Тошкент: Ўзбекистон НМИУ, 2019. - 30 б.

<sup>14</sup> Хожа Юсуф Хамадоний. Рутбат ул-ҳаёт (Ҳаёт мезони). Рисолалар. – Тошкент: Ўзбекистон НМИУ, 2019. - 31 б.

<sup>15</sup> Хожа Юсуф Хамадоний. Рутбат ул-ҳаёт (Ҳаёт мезони). Рисолалар. – Тошкент: Ўзбекистон НМИУ, 2019. - 31 б.

<sup>16</sup> Алимасов В. Фалсафа ёхуд фикрлаш санъати. – Тошкент: Ношир, 2008. - 148 б.

<sup>17</sup> Алимасов В. Фалсафа ёхуд фикрлаш санъати. – Тошкент: Ношир, 2008. - 153 б.

объектлардир. Улар ўртасидаги муносабатлар жамият орқалидир. Бироқ файласуф ушбу объектни негадир тилга олмайди. Бизнинг фикримизча, жамият билан бўладиган муносабатлар Мен, Ман ва Дунё объектларининг марказида туради, шахсининг ижтимоийлашуви ва ўзининг социал вазифаларини бажариши фақат унинг ўзига боғлиқ эмас. Ҳатто диний қадриятлар, эътиқод масалалари ҳам жамият аралашувини тақозо этади. Жамият билан иттифоқда аҳил яшаш исломдаги энг гўзал, инсонпарвар олийжаноб ғоядир. Тўғри, барча динлар ҳам ўз биродарлари билан аҳил бўлиб яшашга ундайди. Шунинг учун черков, ибодатхона ва синагоглар қурилади, лекин уларнинг ҳеч бири инсон ҳуқуқларини бутун жамоат, жамият ҳуқуқлари билан тенглаштиришга, аҳилликни, иттифоқни барқарорлик, осойишталик, беғуборлик, маънавий бойлик даражасига кўтармайди. Буддавийлик диндорларни бирлаштириш учун сангха (ибодатхона) қурса-да, инсонни нажотни ўзидан излашга ундайди. Христианлик йигирма аср давомида Ғарб маданиятини яратган парадигмадир, аммо Ғарб бугун ҳар ким Худо билан ўзининг, хусусий интим тилида мулоқот қиладиган шахсий, жуда персоналлашган диний эътиқод томон бормоқда. Кўриниб турибдики, икки жаҳон динида ҳам эътиқод персоналлашган. Д.Лукач ибораси айтганда, «дин шахс учун ўзини халос қилишга эришиш»<sup>18</sup>, яъни ўзининг хусусий шахси учун зарур. Фақат ислом инсоннинг халос бўлишини Аллоҳ ва унинг Расулига иймон келтириш негизида жамоат бўлиб яшашда кўради. Муҳаммад (с.а.в.) пайғамбар дейди: «Мен ҳамма одамларга пайғамбар қилиб юборилганман. Менга шафоат қилмоқ имконияти ҳам берилмушдир»<sup>19</sup>. Ҳадисларда эзгулик, меҳр-муҳаббат, одоб-ахлоқ, савоб, ҳалоллик, одиллик каби инсон ва жамият муносабатларини белгилаб келувчи фалсафий-ахлоқий амаллар ҳақида ривоятлар келтирилади. Муҳаммад (с.а.в.) пайғамбар: «Бир бирингизга муҳаббат қилмагунингизча, мусулмон бўлмайсизлар»<sup>20</sup> дейди. Шунинг учун бир бирига муҳаббатли бўлиш мусулмонларнинг шиоридир<sup>21</sup>. Бу шунчаки даъват, шиор эмас, у инсон ва жамият, кишилараро кечадиган маънавий-ахлоқий муносабатларнинг фалсафий-антропологик моҳиятидир. Мазкур моҳиятга мувофиқ, маънавий-ахлоқий муносабатлар инсондаги инсоний фазилатларни, олийжаноб қадриятларни янада кўпайтиришга, мустаҳкамлашга қаратилгандир.

Инсон ҳуқуқлари ҳақидаги қарашлар бугун ёки XX асрда юзага келмаган. Бугун биз демократик қадриятлар ифодаси сифатида

<sup>18</sup> Лукач Д. К онтологии общественного бытия. Прологомены / Д. Лукач; Пер. с нем. И.Буровой, М.Журиной; Общ. ред. и вступ. ст. И.Нарского, М.Хевеши. – М.: Прогресс, 1991. - 207 с.

<sup>19</sup> Имом ал Бухорий. Ал-жомеъ ас-саҳиҳ. 1 китоб. – Тошкент: Шарқ, 2011. - 132 б.

<sup>20</sup> Мусаева Н. Имом Бухорийнинг «Ал-жомеъ ас-саҳиҳ» асари ва унинг ижтимоий антропологик моҳияти. – Тошкент: INNOVATSIYA ZIYO, 2019. - 52 б.

<sup>21</sup> Шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф. Ҳадис ва ҳаёт. 1 жуз. – Тошкент: «Шарқ», 2011. - 130 б.

Имом ал Бухорий. Ал-жомеъ ас-саҳиҳ. 4 китоб. – Тошкент: «Шарқ», 2011. - 91 б.

Мусаева Н. Имом Бухорийнинг «Ал-жомеъ ас-саҳиҳ» асари ва унинг ижтимоий антропологик моҳияти. – Тошкент: INNOVATSIYA ZIYO, 2019. - 57 б.

улуғлаётган инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари мудом кишилик жамиятини, инсониятни ўзига жалб этиб келган. Исломда эса инсон ҳаёти Аллоҳ инъом этган энг буюк ва азиз инъом ҳисобланади, ўлим ва ўлдириш, ҳатто ўзига ўлим тилаш ҳам қораланади. Инсонга бировни ҳам, ўзини ҳам ўлдириш, ҳаётдан маҳрум этиш ҳуқуқи берилмаган. Имом Бухорий ҳадис келтиради: «Бирортангиз узоқ хасталаниб, ётиб қолсангиз (безор бўлганингиздан) ўзинингизга ўзинингиз ўлим тиламангиз! Башарти шундай қилмоғингиз зарур деб билсангиз, «Эй парвардигор, агар (бундан кейинги) яшамоғимнинг менга нафи бўлса, мени тирик қолдиргил, мабодо ўлмоғим афзал бўлса, омонатингни олгил, деб айтингиз!»<sup>22</sup>. Бошқа ҳадисларда ҳам ўлим, ўзини ўзи ўлдириш маън этилгани ҳақидаги фикрлар келтирилади. «Абу Ҳурайра (р.а.) дан ривоят қилинади: «Ким жонига қасд қилиб, ўткир тигли нарса билан ўзини ўлдирса, жаҳаннам оловида қорнига ўша ўткир тигни ушлаб абадул абад санчаверадилар. Ким заҳар ичиб ўз жонига қасд қилса, жаҳаннам оловида абадул абад ўша заҳарни ютади. Ким тоғдан ўзини ташлаб ўз жонига қасд қилса, жаҳаннам оловига абадул абад ўзини улоқтиради», дедилар»<sup>23</sup>. Шунингдек, Пайғамбаримиз (с.а.в.): «Ўлимни орзу қилманглар!», «Ўликларни ҳақоратлаб, уларнинг тирик қариндошларини ранжитиб қўйманглар», деганлар»<sup>24</sup>.

Ислом антропологиясида инсоннинг бошқа мавжудотлардан фарқ қилиши, бироқ унинг ҳаёти, тириклиги ва яшаш ҳуқуқи олий мақомда экани таъкидланади. Комил инсон бўлиш ёки унга интилиш фақат инсонга хос хислат, бошқа жонзодлар ўз олдига бундай мақсадни қўймайди. Баркамоллик инсонга Аллоҳ томонидан берилган имкон, синов ва ўзини гўзал хулқли қилишдир. Ҳадислардаги ҳикоятларнинг деярли барчаси инсонга, унинг комилликка бўлган интилишларини тўғри йўлга солишга қаратилгандир. Бу борада унга намуна, «идеал мен» Муҳаммад (с.а.в.) пайғамбарнинг ўзи, у кишининг ҳаёти, деганлари ва умматларига муносабатларидир. Агар Пайғамбаримиз бошқарларнинг ҳаётига тажаввуз қилмасликни васият қилган эканлар, ҳар бир мусулмон ушбу олийжаноб, гуманистик даъватни бажарганида, унга амал қилганида комиллик томон йўл тутган бўлар эди.

Ҳадисларда инсон ўзи, оиласи ва жамият учун меҳнат қилиши, кишиларнинг ҳожатини чиқариши, ҳунар, касб эгаллаши, илмий изланишлар ёки билим орттириши даркор экани уқтирилади. Комиллик фақат диний тартибларни ўзлаштирганда, ҳатто, ҳадисларни ёдлаганида ҳам эмас, улар билан бир қаторда меҳнат қилиб жамиятга фойда келтирганидир. Меҳнат фаровон яшаш асоси, оилани ва болаларни зарур нарсалар билан таъминлаш кафолати ҳисобланади. Ислом антропологияси

<sup>22</sup> Мусаева Н. Имом Бухорийнинг «Ал-жомеъ ас-саҳиҳ» асари ва унинг ижтимоий антропологиялик моҳияти. – Тошкент: INNOVATSYA ZIYO, 2019. - 59 б.

<sup>23</sup> Имом Бухорий. Ҳадислар. – Тошкент: Zilol bulog'i, 2021. - 25-26 б.

<sup>24</sup> Ўроқхон (Рафиъиддинхон) хожи Шайх Нарзуллоҳхон эшон (Ғарибий) ўғли. Саломатлик сирлари (Тиббий рисола). – Тошкент: Gamag media, 2020. - 82 б.

инсонни меҳнат қилиб кун кўришга чақирганида ана шу ижтимоий зарурий нарсаларни назарда тутати. Ҳаким Ат Термизий келтиради: «Бола-чақа кўп бўлиб, моддий маблағнинг оз бўлиши катта балодир. Тангри ғам-ташвишли одамларга ёрдам берадиганларни дўст тутати»<sup>25</sup>. Моддий маблағнинг озлиги ёки кўплиги меҳнат туфайлидир. Ислом антропологияси меҳнат фазилатини фаровонлик ва бошқаларга моддий ёрдам бериш, ҳожатларини чиқариш тарзида талқин қилади. Ўтган пайғамбарларнинг Бану Одам ичида олиб борган фаолиятларидан бири кишиларни амалга ва касб қилишга ундашдан иборат бўлган. Жумладан, анбиёларнинг афзали ва охиргиси Муҳаммад мустафо соллаллоҳу алайҳи вассалам ўзларининг Ҳадиси шарифларидан бирида: «Кишининг энг афзал меҳнати унинг қўл меҳнатидир. Агар ихлос қилса», деганлар. Шу билан бирга, Ҳаким Термизий раҳматуллоҳи алайҳ бу борада ривоят қилинган Ҳадиси шарифлар, саҳобалар ва розияллоҳу анхумларнинг қиссаларини келтиради. Унинг таъкидлашича, «азалда тақдир қилинган бўлса ҳам, ризқларни сабабларга боғлаш шариатда жорий этилган. Шунинг учун ҳам сабаблар одамларнинг эътиборини мазкур собит нарсадан талаб қилинган нарсаларга ва касбларга қаратган»<sup>26</sup>.

Бозор муносабатларга хос бўлган савдо-сотиқ, тижорат масалалари, меҳнатнинг бир тури сифатида Исломда, фикҳшуносликда инсоннинг меҳнат ҳуқуқига оид тартиб ва талабларни шакллантирган. Ислом тижоратни меҳнатнинг бир тури, бошқа кишиларнинг ҳожатини чиқариш усули сифатида қарайди. Шунинг учун ҳам ундан келадиган даромадни, фойдани қораламайди. Тижорат инсоннинг меҳнат қилиш ҳуқуқи ифодаси сифатида уни деградацияга эмас, маънавий баркамолликка, эътиқодини мустаҳкамлашга етаклайди. Шунинг учун ҳам ислом тижоратни судхўрликка, олибсотарликка айлантиришга қаршидир. Минг афсуски, замонавий, Ғарб ишбилармонлик анъаналарига қурилган бизнес, бозор иқтисодиёти ва меҳнат ҳуқуқи ушбу тамойилнинг мутлақ тескарисини қўллаб қувватлайди. Имом Бухорий ёзади: «Муҳаммад (с.а.в.) пайғамбар даврида одамлар бозорга мол олиб келадиганларни тўхтатиб, улардан егулик сотиб олишар эди (ва ўшал ернинг ўзида уларни қайта сотишар эрди). Шулар боис жаноб Пайғамбаримиз ул олиб-сотарларга одам юбориб, таомни сотиб олинган ернинг ўзида сотишни маън қилдилар ва уни таом сотиладиган жойга олиб бориб сотшни амр қилдилар ва сотиб олинган озиқ овқатларни бир мунча вақт ўзида ушлаб турмай сотишни маън қилдилар»<sup>27</sup>. Судхўрлик, мижозларни алдаб мол сотиш, бойлик орттириш ислом ва ҳадисларда қораланган<sup>28</sup>. Ҳадисларда бу борада жуда кўплаб фикрлар, ҳикоятлар келтирилади. Бу ҳикоятлар ва фикрлар рационал

<sup>25</sup> Педагогика тарихидан хрестоматия. Ўқув қўлланма. – Тошкент: Ўқитувчи, 1993. - 27-29 б.

<sup>26</sup> Ҳаким Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Алий ибн Ҳасан Термизий. Сараҳс аҳли сўраган масаллар. Касбнинг баёни. – Тошкент: HILOL nashr, 2019. - 106 б.

<sup>27</sup> Имом Бухорий. Ал-жомеъ ас-саҳиҳ. 2 китоб. – Тошкент: Шарқ, 2011. - 17, 24 б.

<sup>28</sup> Якубов Ю. Ислом таълимотида шахс ва жамият муносабатлари масаласи. Фалсафа фанлари номзоди дисс. Автореферати. – Тошкент: ТошДАУ, 2008.

хусусиятга эга, уларда «идеал мен», яъни Муҳаммад (с.а.в.) пайғамбар тилга олинса, барча ҳадислар унинг сўзлари ва ҳаёт тарзи сифатида тақдим этилса-да, Ислом олами уларни идеал, етуклик, баркамоллик белгиси сифатида тан олади.

Ҳатто, Ислом қўйнида юзага келган, ўзининг персоналистик таълимотлари билан шахсий «мен» бўлишга интилган тасаввуф тариқатлари ҳам Муҳаммад (с.а.в.) пайғамбарнинг баркамол инсон, мусулмонлар учун идеал шахс эканини инкор қилмайди. Тариқатларда урғу тариқат бошловчилари, яъни мутасаввифларнинг таълимотларига, ҳаёт тарзи, деганларига берилса ҳам, улар ислом догматикасига, айниқса, Муҳаммад (с.а.в.) пайғамбарнинг етук шахс эканлигига шубҳа уйғотишмайди, балки буни ўз қарашларига асос қилиб олади<sup>29</sup>.

Ҳадисларда ҳар бир мусулмоннинг оила қуриб яшаши фарз сифатида эътироф этилади. Хотин-қизларга ҳурмат ва эътиром билан муносабатда бўлиш, фарзандлар тарбияси, ота-оналар ва фарзандларнинг уларга бурчи масаласи борасида кўплаб йўл-йўриқлар берилади. Шариат тартибларига амал қилиш оилавий ҳаётни гўзал, соғлом ва бахтиёр қилиши мумкинлигига ҳадислардан кўплаб фикрлар келтирилади<sup>30</sup>. Исломий тасаввурларга ва шариат талабларига кўра оила бошлиғи юксак ахлоқли, фарзандлари ва аёллар учун ибратли фазилатларга, худди Муҳаммад (с.а.в.) пайғамбардаги каби идеал сифатларга эга бўлиши зарур. Оилавий ҳаётнинг барқарорлиги, мустаҳкамлиги эркакка, оила бошлиғининг меҳрли, оқибатли, диндор, шариат талабларини тўла бажарадиган шахслигига боғлиқдир. Идеал нуқтаи назардан шундай, бироқ ижтимоий муносабатлардаги ўзгаришлар бу моделга ўз таъсирини ўтказаетганини кўрмаслик мумкин эмас. Шундай бўлса-да, ҳадислардаги оилавий ҳаётга оид фикрлар, айниқса, Муҳаммад (с.а.в.) пайғамбарнинг ҳикоятлари, панд насиҳатлари ва йўриқлари идеал оилавий муносабатларни шакллантиришга қаратилганини унутиб бўлмайди. Бу муносабатлар аввало инсондан комилликни, юксак ахлоқий фазилатларни талаб этади. Ҳадислардаги ижтимоий антропологик қарашлар дунёвий хусусиятга эга. Аллоҳ, пайғамбар, фарзлар, жаннат, дўзах, фаришталар тилга олингани уларда диний, илоҳий, ҳатто трасцендентал мотивлар устуворлиги билдирмайди. Ҳар қандай диний таълимотлардагидек ислом ва унга тааллуқли ҳадисларда ҳам дунёвий муаммоларга эътибор бериш устувор ўринда туради. Комил инсон, яъни Муҳаммад (с.а.в.) пайғамбарнинг ҳаёти, деганлари ва йўриқлари етук шахс, замонавий «мен» учун ҳам намуна бўлиши мумкинлигини унутолмаймиз. Тарих синовларидан ўтган идеал шахс «мен»и фақат ўтмиш меросига тааллуқли теофалсафий қарашдангина

<sup>29</sup> Наврўзова Г., Зоиров Э., Юнусова Г. Тасаввуфда инсон ва унинг камолоти масаласи. – Тошкент: Фалсафа ва ҳуқуқ институти, 2006. - 61 б.

<sup>30</sup> Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф. Бахтиёр оила. – Тошкент: Шарк, 2009. - 144 б.

иборат бўлиб қолмайди, унда келажакка ва ёш авлодларга проекция қилинадиган олийжаноб фазилатлар мудом топилади.

### **Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati:**

1. Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил ал Бухорий. Ал-Жомеъ ас-саҳиҳ, 1 жилд. – Тошкент: Қомуслар бош таҳририяти, 1991.
2. Алимасов В. Фалсафа ёхуд фикрлаш санъати. – Тошкент: Ношир, 2008.
3. Алимов У. Одоблинг кўнгли обод. – Тошкент: Мовароуннаҳр, 2013.
4. Ҳаким Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Алий ибн Ҳасан Термизий. Сарахс аҳли сўраган масаллар. Касбнинг баёни. – Тошкент: NILOL nashr, 2019.
5. Имом ал Бухорий. Ал-жомеъ ас-саҳиҳ, 1 ва 2 китоблар. – Тошкент: Шарқ, 2011.
6. Имом Бухорий. Ҳадислар. – Тошкент: Zilol bulog`i, 2021.
7. Имом ат Термизий. Шамойили Муҳаммадийя. – Тошкент: SHARQ, 2015.
8. Лукач Д. К онтологии общественного бытия. Прологомены / Д. Лукач; Пер. с нем. И.Буровой, М.Журинской; Общ. ред. и вступ. ст. И.Нарского, М.Хевеши. – М.: Прогресс, 1991.
9. Мусаева Н. Имом Бухорийнинг «Ал-жомеъ ас-саҳиҳ» асари ва унинг ижтимоий антропологик моҳияти. – Тошкент: INNOVATSIYA ZIYO, 2019.
10. Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. Бахтиёр оила. – Тошкент: Шарқ, 2009.
11. Наврўзова Г., Зоиров Э., Юнусова Г. Тасаввуфда инсон ва унинг камолоти масаласи. – Тошкент: Фалсафа ва ҳуқуқ институти, 2006.
12. Педагогика тарихидан хрестоматия. Ўқув қўлланма. – Тошкент: Ўқитувчи, 1993.
13. Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. Ҳадис ва ҳаёт. 1 жуз. – Тошкент: Шарқ, 2004.
14. Хожа Юсуф Ҳамадоний. Рутбат ул-ҳаёт (Ҳаёт мезони). Рисолалар. – Тошкент: Ўзбекистон НМИУ, 2019.
15. Ўроқхон (Рафиъиддинхон) ҳожи Шайх Нарзуллоҳхон эшон (Ғарибий) ўғли. Саломатлик сирлари (Тиббий рисола). – Тошкент: Gamag media, 2020.
16. Якубов Ю. Ислом таълимотида шахс ва жамият муносабатлари масаласи. Фалсафа фанлари номзоди дисс. Автореферати. – Тошкент: ТошДАУ, 2008.